

УЎК (УДК, UDC): 811.1/.531
DOI: 10.36078/1570168473

КОРЕЙС ТИЛИДАГИ **쫘** ДИСКУРС МАРКЕРИ ВА УНИНГ МАЪНОЛАРИ



Индира Рустамовна ТЕМИРБУЛАТОВА

Ўқитувчи

Факультетлараро чет тиллари кафедраси

Урганч давлат университети

Урганч, Ўзбекистон

indira060387@daum.com

Аннотация

Мақолада корейс тилидаги **쫘** дискурс маркерининг функционал хусусиятларини ўрганилган, **쫘** дискурс маркери иштирок этган диалоглардаги инкор этиш, таъкидлаш, кучсизлантириш каби бир қанча маъно хусусиятлари батафсил таҳлил қилинган. Сухбатдош билан мулоқотда **쫘** дискурс маркери аудиториянинг эътиборини қаратишни назарда тутгани, мулоқотга киришилганда тингловчининг диққатини жалб қилишга ёрдам беради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, корейс тилидаги **쫘** дискурс маркерига эга жумлалар сухбатдошлар диалогда камтарлик ва таъкид, кучсизлантириш ва инкор этиш каби турли маъноларни ифодалашда фаол қўлланилади.

Калит сўзлар: дискурс; мулоқот; маркер; инкор маъноси; таҳлил; турли хил маънолар; тил грамматикаси; оғзаки нутқ; ёзма нутқ; унсур; гапириш; эшитиш; ёзиш ва ўқиш.

ЗНАЧЕНИЕ ДИСКУРСНОГО МАРКЕРА **쫘** В КОРЕЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Индира Рустамовна ТЕМИРБУЛАТОВА

Преподаватель

Факультет иностранных языков

Ургенчский государственный университет

Ургенч, Узбекистан

indira060387@daum.com

Аннотация

Статья посвящена функциональным особенностям маркера **쫘** в корейском языке. Автор проводит анализ значений, таких как отрицание, выделение, унижение в диалогах с маркером **쫘**. В разговоре с говорящим **쫘** указывает на желание обратить внимание или привлечь внимание аудитории. Анализ показывает, что фраза с маркером **쫘** на корейском языке активно используется в диалоге собеседников, выражая различные значения, такие как смирение и акцент, ослабление, отрицание.

Ключевые слова: дискурс; общение; маркер; значение отрицания; анализ; общение и близость; различные значения; грамматика языка; устная речь; письменная речь; элементарный; говорение; аудирование; письмо и чтение.

THE IMPORTANCE OF DISCOURSE MARKER **좀** IN THE KOREAN LANGUAGE

Indira Rustamovna TEMIRBULATOVA

Teacher

Faculty of Foreign Languages

Urgench State University,

Urgench, Uzbekistan

indira060387@daum.com

Abstract

This article focuses on the functional features of the **좀** marker in Korean, with a detailed analysis of the properties of the meaning of several values, such as denial, selection, and humiliation in dialogs with the marker **좀**. In a conversation with the speaker, **좀** indicates a desire to pay attention or attract the attention of the audience. The analysis shows that the phrase with the marker **좀** in Korean is actively used in the dialogue of interlocutors, expressing various meanings, such as humility and emphasis, weakening, denial.

Keywords: discourse; communication; marker; meaning of negation; analysis; communication and intimacy; various meanings; grammar of a language; oral speech; written speech; elementary; speaking; listening; writing and reading.

Тил жамиятнинг, давлатнинг ривожланиши ва тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Турли халқларнинг тиллари ҳамиша ўзаро бир-бирини бойитиб, ривожланиб келган. Мустақиллик туфайли республикамизнинг халқаро ҳамжамият билан алоқалари, жумладан, Шарқ мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий, савдо-сотик алоқалари кенг йўлга қўйилди. Мазкур алоқалар йилдан-йилга кучайиб, мустаҳкамланиб бориши ўз навбатида хорижий тилларни ҳам назарий, ҳам амалий пухта ўрганиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бугунги кунда чет тилини эгаллашга бўлган талаб кучайиб бораётганлигини ҳамда чет тили бўйича илмий изланишлар олиб боришга бўлган талабни намоён этади.

Ўзбек-корейс алоқалари бу икки халқ орасидаги дўстлик муносабатларини кенгайтиришга сабаб бўлди. Табиийки, бугунги кунда корейс тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ортди. Кўпгина ўрганувчилар оддийгина

сўзлашиш ёки тил грамматикасини ўзлаштириш билан чекланиб қолмай, тил соҳибидек эркин фикрлаб, суҳбатлашиш малакасини эгаллашга интилмоқдалар. Юқори даражада тил билиш ўрганувчидан эркин суҳбатлаша олишни талаб этади. Эркин оғзаки нутққа эгалик қобилияти тўрт унсур: гапириш, эшитиш, ёзиш ва ўқишни билишни талаб этади. Шулар орасида энг асосийси гапириш ва эшитишдир.

Шу кунгача корейс тили бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосан тилнинг грамматик тузилишини ўрганишга бағишланган. Аммо кейинги йиллари оғзаки мулоқот масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилиб, бу борада ҳам тадқиқотлар олиб борилишига эҳтиёж сезилмоқда. Тил ўрганишда ёзувнинг аҳамияти катта, аммо оғзаки нутқ ёзма нутққа нисбатан фаолроқ ҳисобланади. Мулоқотни амалга ошириш воситаларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, дискурс маркерлари шулар жумласига киради. Мазкур мақолада дискурс маркерларидан бири — **좁** [жом]нинг бир қанча маъноларни ифодалаш функцияси ҳақида сўз боради.

Дискурс сўзи инглизча *discourse* сўзидан олинган бўлиб, фикр мулоҳаза, суҳбат, мулоқот маъносини ифодалайди. Дискурс маркерлари эса мулоқот ёки оғзаки нутқ суҳбатида янги мулоқот вазифасини бажарадиган унсурлардир. Булар мулоқотдаги ҳар бир унсурни бир қолипга тушириб, сўзловчининг мулоқот мақсади, вазифаси, ҳис-туйғуларини ифодалашда ёрдам беради.

Дискурс маркерлари диологик мулоқотнинг эркин олиб борилишида муҳим аҳамиятга эгадир. Корейс тилида бундай маркерлар орасида **좁**, **글쎄**, **그냥** кабилар кўп ишлатилади. Қўйида биз фаол дискурс маркерларидан бири — **좁** нинг маъно ифодалаш функцияси борасида сўз юритмоқчимиз.

좁 корейс тилида равиш сўз туркумига мансуб. У гапда турли хил маъноларни ифодалаш мумкин, дискурс маркер сифатида ҳар хил вазифаларни бажаради.

Корейс олимларидан Им Ю Жонг (임유중) 1995, Ку Жонг Нам (구종남) 1998, Чун Кёнг Хве (주경희) 2000, Ан Жу Хо (안주호) 2009 дискурс маркер **좁** борасида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Қуйида **좁** дискурс маркерининг камтарлик ва мулозамат, мулоқотда бирор нарса таъкидлаш, мулоқотда ифодани кучсизлантириш, инкор каби маъноларни ифодалаш функциялари ҳақида фикр юритмоқчимиз (Ишда

келтириладиган барча мисоллар корейс тилидан лаёқат имтиҳони (한국어 능력 시험) ТОПИКда мавжуд бўлган диалог ҳамда матнлардан олинган).

1. Камтарлик ва мулозамат маъносини ифодалаш функцияси.

Зумнинг маъноларидан бири *камтарлик* ва *мулозамат* маъноси бўлиб, мулоқотда суҳбатдошлардан бири иш буюрганда ёки таклиф айтганда тингловчисига нисбатан юклатилган масъулият ёки вазифани бир оз бўлса-да юмшатади. Суҳбатдошларнинг орасига тушиши мумкин бўлган тушунмовчиликларни бартараф этишда, қолаверса, суҳбатдошларнинг яқин, дўстона муносабатларига путр етмаслик мақсадида камтарона алоқани намоён этишда ишлатилади. Мулоқотда *зум*

нинг ишлатилиши сўзловчи тингловчига буйруқ ёки таклиф билдирганда, айтилаётган гап бир оз бўлсада “юмшаб”, бир поғона паст оҳангда ифодаланади. Натижада, дўстона муносабат сақлаб қолиданади:

남자: 수진씨, 이렇게 연락을 해서 죄송해요. 발표 자료 **좀** 이메일로 보내 줄 수 있어요?

Йигит: *Сужин хоним, безовта қилганим учун узр. Илтимос, презентация материалларини электрон почта орқали юбора оласизми?*

여자: 아, 제가 지금 나가는 중인데요. 돌아와서 보내도록 할게요.

Қиз: *A... мен ҳозир кетаётган эдим. Қайтиб келиб жўнатиб юбораман.*

남자: 아, 그렇군요. 그럼 다른 분께 부탁해볼게요.

Йигит: *A, шунақами. Ундай бўлса бошқа кишидан илтимос қиламан.*

여자: 아니에요, 2분 이따가 돌아와서 보내드릴게요.

Қиз: *Ҳа, йўғ-ей, 2 дақиқада қайтиб келиб жўнатиб юбораман.*

Диалогда кўриниб турибдики, сўзловчи тингловчига презентация маълумотларини юбориб бериш илтимоси/талаби билан қиз болага мурожаат қилади. Қиз болани эса шошиб турган ҳолатда кўриш мумкин. Ушбу ҳолатда йигит дискурс маркер “*зум*”ни ишлатади ва вазиятни юмшатиб, камтарона илтимос қилади.

여자: 민수야, 미안한데, 마트에 가는 길에 우유 **좀** 사다 줄래? 나 어제 샀다다가 말았거든.

Қиз: *Минсу, кечирасан, дўконга борганигда йўл-йўлакай сут олиб кела оласанми? Мен кеча оламан деб, олмабман.*

남자: 오후 학교 안 가? 학교에 가는 길에 사면 안 돼?

Йигит: *Тушдан кейин мактабга бормайсанми? Мактабга кетаётганингда олсанг бўлмайдимми?*

여자: 오후에는 학교에 가기는 가, 시간이 없어서 못 갈 거 같아서...

Қиз: *Тушдан кейин мактабга боришига бораман-у, вақтим йўқлиги учун ололмасам керак...*

남자: 알았어, 걱정하지 마. 내가 사지 뭐.

Йигит: *Тушундим, ҳавотир олма. Ўзим ола қоламан.*

Юқоридаги мисолда, қиз кеча сутни олмаганини ва шунинг учун бугун дўстига дўконга борганида сутни сотиб олиб келишини илтимос тарзида сўрамоқда. Бунда у дискурс маркер *չумдан* фойдаланяпти.

2. Таъкид маъноси.

Дискурс маркер *չумнинг* яна бир маъноси — мулоқотда таъкидлашда ишлатилади. Сўзловчининг мулоқотида бевосита ифодаланиб, *չумушбу* маркер олдидаги ва орқасидаги сўзга нисбатан диққатни жалб қилади. Мулоқотда тингловчининг диққатини тортишда ёрдам беради. Дискурс маркернинг таъкид маъноси кундалик мулоқот, суҳбатларда тез-тез такрорланадиган маъно ҳисобланиб, бошқа маънолар билан бирлашиб қўшма маъноларни ифодалашда ишлатилади:

여자: 어휴, 이것 *չум* 봐. 아까 지하철에서 내 앞에 서 있던 사람 때문에 *չум*했지 뭐야. 가방을 꼭 그렇게 뒤로 메야 돼?

Қиз: *Уф, буни бир қара. Бир оз олдин метрода мени олдимда тик турган одам туфайли лат еганимни айтмисанми. Сумкасини орқа елкасига илиши шартми?*

남자: 그렇게 말이야. 배낭 가방을 메고 다니는 사람들은 조심할 필요가 있어. 대중교통을 이용할 때는 가방을 돌려서 앞으로 안는다든지 아니면 다리 밑이나 선반 위에 두면 좋잖아.

Йигит: *Нимасини айтасан. Рюкзак илиб юрадиганлар бир оз эҳтиёт бўлишлари керак. Жамоат транспортдан фойдаланганда, сумкани ё олдига олиши ёки оёқ тагида пол устига қўйишса, яхши бўларди.*

Юқоридаги мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, қиз метро вагонига кираётиб, сумка туфайли туртилиб кетишини йигитга ушбу маркер орқали ифодалаб, диққатини тортади.

수진: 민수야, 삼격살 몇 인분 시켰어?

Сужин: *Минсу, Самгёпсалдан (таом номи) неча неча кишилик (порция) буюртма бердинг?*

민수: 5인분 시켰어. 오빠가 오늘 돈 좀 썼다.

Минсу: *Беш кишилик (порция) буюртма бердим. Бугун яхшигина пул ишлатдим.*

Юқоридаги мисолда кўриниб турибдики, Минсунинг нутқида дискурс маркери **չолдидан** келган тўлдирувчи “돈” (пул) сўзига таъкид маъносини кучайтириш учун ишлатилган ва маъно жиҳатдан — бугун хоҳлаганча еб, пул ҳақида хавотирланмаслигини, қолаверса, ўзига нисбатан ғурурни ифодаламақда.

3. Кучсизлантириш маъноси.

Дискурс маркер **չ** нинг яна бир маъноси — суҳбатдош билмаган вазиятни тушунтирганда ёки сўзловчи билдираётган фикрнинг у даражада муҳим эмаслиги англатади. Яъни сўзловчи фикр ва мулоҳазаларини кучсизлантириб етказиш вазифасини бажаради.

남자: 김 실장님, 신제품 설명회 준비는 잘 돼 가요?

Йигит: *Ким хоним, янги маҳсулот кўрғазмасига тайёргарлик ишлари яхши бўлаяптими?*

여자: 네, 그런데 설명회 자료가 아직 도착 안 했어요. 안내를 도와줄 사람도 좀 부족하구요.

Қиз: *Ҳа, лекин кўрғазма материаллари ҳали етиб келмади. Бошлашга ёрдам берадиган одам ҳам йўқ.*

남자: 그럼, 자료 제작 회사에 전화 한번 해 보세요. 저는 도와줄 아르바이트 학생을 구할 수 있는지 알아보게요.

Йигит: *Ундай бўлса, материалларни тайёрлайдиган фирмага телефон қилиб кўринг. Мен ёрдам бера оладиган ишчи талаба бор-йўқлигини билиб бераман.*

여자: 네, 그래요. 그럼 이따가 다시 봐요.

Қиз: *Ҳа, майли. Ундай бўлса кейинроқ яна кўришамиз.*

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, янги маҳсулот кўрғазмаси учун тайёргарлик кўраётган қиз, иш ҳали тўлиқ бажарилмаганлиги тўғрисида айтаётиб, тингловчига вазиятни ўта жиддийлигини кўрсатмасдан дискурс маркер **չ**дан фойдаланган ҳолда вазиятни юмшатишга уринган.

4. Инкор ва салбий маъноларини ифодалаш функцияси.

Мулоқотда сўзловчи тингловчига ёки вазиятга нисбатан салбий фикр билдирганда ҳамда бирор нарсани инкор қилганда, дискурс маркери *좁*нинг инкор маъносини ифодалаш функциясидан фойдаланилади:

판매원: 이 바지는 어떠세요?

Сотувчи: *Бу шимга нима дейсиз?*

고객: *좁...*

Мижоз: *Бир оз...*

Ушбу мисолда кўриниб турибдики, сотувчи мижознинг фикрини сўрайди ва мижознинг жавобида *좁*нинг ишлатилганлигидан, таклиф қилинган шим унинг кўнглига ўтирмаганлигини билиб олади. Яъни бу вазиятда дискурс маркер *좁*инкор маъносини ифодалашда қўлланилмоқда.

남자: 이번 주말에 야구경기장에 가서 나랑 야구 구경 할래?

Йигит: *Шу ҳафтада дам олиш кунлари мен билан бейсбол майдонига бориб, бейсбол томоша қиласанми?*

여자: 이번 주말은 좁...

Қиз: *Шу ҳафтада дам олиш кунлари бир оз...*

Ушбу мисолда йигит қизга бейсбол майдонига бориб ўйин томоша қилишни таклиф қилади. Лекин қиз бу ҳафта дам олиш кунлари бейсбол кўришга бора олмаслигини дискурс маркери *좁*дан фойдаланиш орқали таклифни рад этмоқда.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, корейс тилида мулоқот жараёнида *좁*дискурс маркери: камтарлик ва мулозамат, таъкидлаш, кучсизлантириш ҳамда инкор каби турли хил маъноларни ифодалашда фаол қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ким Н. Д. О модели предложения в коммуникации (на материале современного корейского языка) // Материалы 31-й международной заочной научно-практической конференции «Научная дискуссия: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии», 15 декабря 2014. — Москва: Международный центр науки и образования, 2014. — № 12 (30). — С. 124-127.
2. 고산(2015), 「한국어 담화표지 ‘그냥, 막, 참’ 교육방안 연구 – 중국어 표현과의 대조를 중심으로」, 인천대학교 석사학위논문.
3. 구종남(1998), 「화용표지 ‘좁’에 대하여」, 한국언어문학 41권, 한국언어문학회.

4. 구지민(2005), 「한국목적 한국어를 위한 강의 담화표지 학습연구」, 한국어교육 16 호, 국제한국어교육학회.
5. 김에스더(2008), 「한국어 학습자를 위한 담화표지 연구 ‘뭘’, ‘왜’, ‘어디’를 중심으로」, 경희대학교 석사학위 논문.
6. 김상훈(2013), 「한국어 담화표지 연구 - ‘아무튼’, ‘어쨌든’, ‘하여튼’을 중심으로」, 상명대학교 석사학위 논문.
7. 김선희(1995), 「담화표지의 의미연구」, 목원대학교 논문집 27집, 5-26쪽.
8. 김순자 이필영(2005), 「담화표지의 습득과 발달」, 국어교육 118권, 149-180쪽, 한국어교육학회.

REFERENCES

1. Kim N. D. *Materialy 31-i mezhdunarodnoi zaochnoi nauchno-prakticheskoi konferentsii «Nauchnaya diskussiya: voprosy filologii, iskusstvovedeniya i kul'turologii»* (Proceedings of the 31st international correspondence scientific-practical conference “Scientific discussion: questions of Philology, art history and cultural studies”), Moskva: Mezhdunarodnyi tsentr nauki i obrazovaniya, 2014, No. 12 (30), pp. 124-127.
2. Gosan, *Hangug-eo damhwapyoji ‘geunyang, mag, cham’ gyoyugbang-an yeongu – jung-gug-eo pyohyeongwau dae joleul jungsim-eulo, incheondaehaggyo seogsahag-winnonmun* (A Study on the Education Plan of 'Just, Actually, True' Korean Discourse Focusing on the Comparison with Chinese Expression), 2015, pp. 23-78.
3. Koo, Jong-nam, 권, *한국언어문학회* (Korean Language and Literature, Korean Language and Literature Society), 1998, No. 41, pp. 12-69.
4. Koo Ji-min, *Korean Language Education, International Korean Education Societ*, 2005, No. 16, pp.10-21
5. Gim Esydo, *Hangug-eo hagseubjaleul wihan damhwapyoji yeongu ‘mwo’, ‘wae’, ‘eodi’leul jungsim-eulo, gyeonghuidaehaggyo seogsahag-wi nonmun* (A Study of Discourse Cover for Korean Learners Focusing on 'What', 'Why', 'Where'), 2008, pp. 5-36.
6. Kim Sankhun, *Khangugo damkhvapedzhi engu - ‘amutyn’, ‘ochchessdyn’, ‘khaetyn’yl’ dzhunsimyro, san men”dekhakke soksakhakvi nonmun* (A Study on Korean Discourse Cover - Focusing on 'Anyone', 'Anyway', 'Anyone'), 2013, pp. 63-97.
7. Kim Sonkhyi, *Damkhvapedzhiyi yimiengu, mokvondekhakke nonmundzhip* (Significance of Discourse Marks), Vol. 27, 1995, pp. 5-26.
8. Kim Soon-ja Lee, Pil-young, *Korean Language Education*, Vol.118, 2005, pp. 149-180.